

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Наргиза Тохировна Авулова

СамДУ Мактабгача ва бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақоламизда замонавий жамиятда ўсмир ёшларнинг бўш вақтини ташкил қилишдаги муаммолар, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий, жисмоний ривожланишида бўш вақтнинг аҳамияти, турлари ҳамда шакллари бўйича хорижий олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: техноген цивилизация, бўш вақт педагогикаси, ўқувчининг шахсий иши, “юқори фаолият”, “пассив фаолият”, вақтни бошқариш, ижтимоий фаоллик, жисмоний ҳаракатсизлик.

ПРАВИЛЬНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ СВОБОДНОГО ВРЕМЕНИ УЧЕНИКОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются проблемы организации свободного времени подростков в современном обществе, значение, виды и формы свободного времени в духовном и физическом развитии подрастающего поколения.

Ключевые слова: техногенная цивилизация, педагогика свободного времени, личная работа студента, «высокая активность», «пассивная активность», тайм-менеджмент, социальная активность, гиподинамия.

CORRECT ORGANIZATION OF STUDENTS' FREE TIME

ABSTRACT

In this article, the problems of organizing free time of teenagers in modern society, the importance, types and forms of free time in the spiritual and physical development of the young generation are analyzed.

Keywords: man-made civilization, free time pedagogy, student's personal work, "high activity", "passive activity", time management, social activity, physical inactivity.

КИРИШ

Ҳозирги вақтда дунёда юз бераётган глобаллашув жараёни мамлакатларда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётда шиддатли ўзгаришлар рўй бериши билан бирга шахснинг маънавий барқарорлиги, миллий қадриятларни асраб-авайлаш қобилиятининг пасайиши кузатилмоқда. Шу сабабли ёшларнинг маданий, маънавий ривожланиши ва жисмоний саломатлигини сақлаш, шунингдек, мустақил фикрлайдиган, фаол интеллектуал салоҳиятли ахлоқий тамойилларга эга фуқароларни тарбиялаш зарурияти мавжуд. Бугунги ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ўсиб бораётган суръатлар глобаллашув, оммавий маданият, техноген цивилизация, экологиянинг ёмонлашуви шароитида инсон танаси тобора кучайиб бораётган юкларни енгишга қодир эмас. Бундай жараёнда ёш авлодни тарбиялашда ўқитиш, тарбиялаш ва соғломлаштириш таъсирларини бирлаштириш лозим бўлади [2]. Ўқувчиларнинг бўш вақтида ташкил қилинадиган шахсий иши муоммоси ҳуқуқий, социологик, ижтимоий ва тиббий-физиологик жиҳатларда ишлаб чиқилган муаммодир. Ёшларнинг ўтказган вақтларини таснифлаш, ундан оқилона фойдаланиш усуллари, бўш вақтдан фойдаланиш турларини аниқлаш ва режалаштириш масаласининг илмий ўрганилишига эҳтиёжи мавжуд.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДАЛОГИЯСИ

Бўш вақт педагогикаси бўйича маҳаллий тадқиқотчиларнинг изланишлари етарли даражада эмас. Ушбу мавзуга ёндош мавзуларда, жумладан, мактаб ўқувчиларининг синфдан ташқари ишларини, фаолиятини ташкил қилишнинг назарий асослари ва амалий жиҳатлари бўйича маҳаллий тадқиқотчилардан **Ш.Мардонов, А.Халиков, А.Садикова, Ф.Ибрагимова, Н.Артикова, Р.Шерметов, Э.Норқувватовлар** илмий изланишлар олиб борганлар.

МДҲ олимларидан **Г.Грушин, Г.А.Ефтеева, Б.И.Дубсон, В.В.Журавлев, Г.Е.Зборовский, С.А.Кравченко, Л.К.Круглов, Е.В.Бондаревская, Л.И.Новиковалар** умумтаълим мактаблари ўсмир-ёшлари бўш вақтининг фалсафий, шунингдек социологик жиҳатларини; **К.Д.Ушинский, А.С.Макаренко, С.Т.Шатский, П.П.Блонский, А.В.Мудрик, Н.Л.Селивянова, Н.Крупская, К.С.Романова** ва бошқалар бўш вақтни ташкил этишнинг психологик-педагогик жиҳатлари, унинг шахсни ривожлантириш ва мактаб ўқувчиларининг дунёқарашини шакллантиришга таъсири; **Н.Н.Водомеров,**

Ф.А.Гимадеева, С.Ш.Лукманова, М.В. Мухамедянова, Л.К.Петрова, Ш.А.Амоношвили, О.С.Газман, В.А. Краковский ва бошқалар ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ўсмир ёшларнинг бўш вақтларини оқилона ташкил қилиш масаласи, бўш вақтнинг ижтимоий моҳияти, унинг тузилиши, шахснинг ривожланишида асосий функциялари **Б.А.Требугов**[7] томонидан тизимли ўрганилган. Болалар ҳаётида бўш вақтни педагогик ташкил этишнинг одамлар ҳаётидаги аҳамияти бўйича **К.Д.Ушинский, А.С.Макаренко, В.Н.Терскийлар**; шахсни шакллантириш ва ривожлантиришда бўш вақтдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласи **М.Г.Бушканатец, Б.А.Грушин, Г.А.Евтеева, Е.В.Соколов** тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Тадқиқот ишимизда анализ, синтез, умумлаштириш, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилди.

МУҲОКАМА

Гарбий Европа педагогикасида ўқувчининг бўш вақти масаласига илмий эътиборнинг қаратилишини таҳлил қиладган бўлсак, Германияда ўқувчиларнинг, бўш вақтини ташкил қилиш педагогикасига эътибор 1920 йиллардан бошланади. Бунда ўқувчиларнинг бўш вақтидаги фаолияти стратегиялари ишлаб чиқиладиган амалий фан сифатида шаклланишни бошлайди. 80-йилларда эса педагогиканинг ўзига хос таълим соҳасига эга бўлган мустақил бўлими сифатида шаклланади. 90-йилларда мазкур соҳанинг бошқа соҳалар билан алоқаларини тадқиқ этиш ва аниқлаш ишлари амалга оширилади. Ҳозирда Германияда бўш вақт педагогикасининг бир қатор йўналишлари жадал ривожлантирилмоқда [3]. Жумладан, немис тадқиқотчиси **Хорст Орашовский** бўш вақт педагогикасининг тарихий ривожланишини тизимли ўрганган. **Рената Фрикс** педагогик фаолиятда ўсмир-ёшларнинг ривожланишида вақтни бошқаришнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганган ҳолда, бўш вақт педагогикаси ва вақтни бошқариш ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади.

Россияда инсон бўш вақти тоифасини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича ташаббус билан чиққан олим **С.Г.Струмилин** 1922-1924 йилларда илк бора социал тадқиқотларни амалга оширади. У бўш вақтдан тўғри фойдаланиш вазифасини қўяди [6]. Ўсмир-ёшларнинг шахсий иши (бўш вақти) масаласи XX асрнинг 60-йиллар охиридагина нисбатан мустақил хусусиятга эга бўлди ва назарий тушунишнинг муҳим объекти сифатида алоҳида эътибор қаратилди [7].

Мазкур масала катта миқиёсда илмий-тадқиқот ишига муҳтож, деб ўйлаймиз. МДХ олимларидан **М.В.Антропова, Ю. А. Ямпольская, А.А.Баранов, В.Р.Кучма** каби олимлар тадқиқоти шуни кўрсатадики, болалар ва ўсмирларнинг соғлиги ҳолатида мактабда ўтказиладиган вақт туфайли сезиларли салбий тенденциялар мавжуд [4]. Рус педагоги **А.Андреева** бўш вақт тушунчасининг таърифига тўртта нуқтаи назардан ёндашиш мумкунлигини таъкидлайди:

1. Бўш вақт – тафаккур сифатида, у бевосита юксак ақл ва маданият даражаси билан боғлиқ, бошқача қилиб айтганда у ақл ва рухий ҳолатдир.
2. Бўш вақт фаолият шакли сифатида меҳнат фаолияти билан ҳеч қандай боғлиқ бўлмаган, шахснинг ўзини ўзи англаш жараёнига устувор аҳамият бериладиган ўзига хос фаолият билан тавсифланади.
3. Бўш вақтда турли фаолият шакллари қўлланилиши мумкун ва у иш билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган фаолият учун учун ишлатилиши мумкун. Бўш вақт инсоннинг бажарилиши мажбурий бўлган, яъни ўз бурчи бўлмаган иш билан шуғулланадиган вақт ҳисобланади.

Бўш вақт олдинги учта тушунчани ўзида мужассамлаштиради, «иш» ва «ишламаслик» ўртасидаги чегарани йўқотади ва бўш вақт инсон хатти-ҳаракатларини тавсифловчи нуқтаи назардан баҳолайди [1]. Рус педагоги **Л.А.Затуливетер** мактаб ўсмир ёшларининг ўқувчиларнинг бўш вақтини ўтказишнинг мазмуни ва тузилишини ўрганган ҳолда, бўш вақтни ривожлантиришнинг типик даражаларини куйидагича кўрсатади: фаол ва пассив; етакчи ва анъанавий; ижодий ва тақлид; жамоавий ва индивидуал; уюшган ва спонтан; бошқариладиган ва назоратсиз; бир хил ёшдаги ва аралаш ёшдаги; халқаро ва миллий [8]. Фалсафий ва социологик адабиётларда бўш вақтни ўтказиш турларининг турли хилдаги таснифини кўришимиз мумкун.

Жумладан, рус тадқиқотчиси **Б.А.Требугов** бўш вақтни иккига: “**пассив вақт**” ва “**юқори фаолият**” га бўлишни тақлиф қилади. У инсоннинг шахсий фаолиятида дам олиш ўз-ўзидан тиклаш функциясини бажаришига алоҳида эътиборни қаратади [7; 26]. **Б.А.Требугов** бўш вақтнинг моҳиятини рўёбга чиқариш даражасига кўра ёки бошқача айтганда, асосий фаолият турларининг баркамол шахсни шакллантиришга таъсири хусусиятларига кўра, ёшларнинг бўш вақтидаги барча фаолиятини асосий 3 та турга ажратади:

1. Маданий - ижодий. Бундай фаолият мажмуасининг умумий хусусияти - моддий ва маънавий қадриятларни яратиш ёки такрорлаш билан тавсифланади. Мазкур турдаги фаолиятга бадиий,

илмий-техник ижодкорлик, ижтимоий фаолият ва ўз-ўзини тарбиялашнинг турли шакллари киради.

2. Маданий ва истеъмолчилик услуги. Бу маънавий қадриятларни истеъмол қилиш билан боғлиқ фаолият шакли, бунга газета ва журналлар ўқиш, телекўрсатувларни томоша қилиш, кинотеатрга, концертга, музей ва турли кўргазма ва ҳ.з.ларга ташриф буюриш кабилар киради.

3. Турли хил дам олиш ва кўнгилочар фаолият турларини бирлаштирган реакция тип. Жумладан, туризм, спорт, рақс кечалари, кафе ва ресторанларга ташриф буюриш кабилар [7].

Норвегиялик олим Д.Ас инсоннинг вақт фондида бўш вақтнинг бошқа вақт турларидан фарқли хусусиятларини асослаган ҳолда, инсон томонидан танлаш эркинлиги билан тартибга солинадиган бўш вақтининг 4 хил турини таснифлайди:

- 1. Зарурий вақт.** Бу физиологик эҳтиёжлар учун сарфланадиган вақт(уйқу, озиқ-овқат, гигиена ва ҳ.з.)
- 2. Иш вақти.** Маош тўланадиган иш ёки ўқув фаолияти.
- 3. Белгиланган вақт.** Инсоннинг зиммасига юкланган ишониб топширилган фаолият шакллари бўлиб, иш характерига эга бўлсада пул тўланмайдиган фаолият шакли.
- 4. Бўш вақт.** Бўш вақтнинг ўзига хусусияти танлаш эркинлиги, яъни бажариш ёки бажармаслик, ҳиссий жиҳатининг мавжудлиги[9].

Америка ва Финляндия ўсмир ёшлари бўш вақти мазмунини ўрганишда улар қуйидаги тадбирларни ўз ичига олишини аниқлаштиради [10]:

- спорт фаолияти (30 хил спорт тадбирлари);
- уй юмушлари;
- севимли машғулотлари билан шуғулланиш;
- уйга вазифани тайёрлаш;
- телевизор кўриш, интернет тизимдан фойдаланиш;

Р.Петерсон ўз изланишлари давомида бўш вақтни қуйидагича таснифлайди:

1. Пассив бўш вақт.
2. Фаол дам олиш вақти (дам олиш масканлари, кўнгилочар жойлар ва ҳ.з.).
3. Бадиий ҳунармандчилик (чизиш, ясаш), санъатни истеъмол қилиш (музей, кўргазма, концерт, театр кабилар)
4. Халқ ҳаёти (этник жамоа билан боғлиқ ҳар қандай фаолият)
5. Норасмий ижтимоий ҳаёт (мулоқот ва бошқалар)

6. Уюшган ижтимоий фаолият (ихтиёрий фуқаролик фаолияти, диний ёки сиёсий иштирок) [11].

Рус олимаси **З.Ш.Саитгалиева** «бўш вақт» дейилганда биринчидан, эркин фаолият, ривожланиш учун жой таъминловчи, иккинчидан моддий ишлаб чиқаришдан ташқарида бўлган вақтнинг қисмини тушунади ва бу даврда шахснинг ақлий ривожланиши содир бўлиб бунда шахснинг таълими ортади, учинчидан, инсоннинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш, ижтимоий фаоллик, ҳамда ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ тадбирлар амалга ошишини таъкидлайди [5].

Бўш вақтнинг ижтимоий функциясини таҳлил қиладиган бўлсак, асосан тикловчи функцияси (пассив ёки фаол дам олиш, ўйин-кулги) шахснинг ривожланишида муҳим. Бўш вақтнинг мазмуни остида ҳар бир шахснинг ҳар томонлама ва уйғун ривожланиш жараёни: интеллектуал ривожланиш, таълим учун вақт, жисмоний ривожланиш каби турли фаолият турлари амалга оширилади. Европалик таниқли файласуф ва психологи **Э.Фроммнинг** фикрича, «Эркинлик, инсонга мустақиллик ва унинг мавжудлигининг мантиқийлигини олиб келди, лекин шу билан бирга уни изоляция қилади, унда кучсизлик ва ташвиш ҳиссини уйғотади. Инсон танлов олдида туради: янги қарамлик бўйсунуш асосида эркинликдан халос бўлиш ёки ижобий эркинликни тўлиқ амалга ошириш учун ўсиш». Аммо кўп ҳолларда, шахс мустақил бўлиш ва оқилона қарор қабул қилишда ҳали етукликга эришмаганлигини, ҳар бир инсон ўз ҳаётини бошқара олиши ва унга маъно бера оладиган тизимга эга бўлиши муҳимлигини таъкидлайди. **Демак, бўш вақт - инсоннинг меҳнат, оила ёки жамият билан боғлиқ мажбуриятлари ва эҳтиёжларидан ташқаридаги шахснинг индивидуал эҳтиёжлари қондириш билан кечадиган вақти.**

НАТИЖА

Тадқиқот ишимиз давомида ўсмир-ёшларнинг шахсий ишини ташкил қилиши давомида қайси бирини кўпроқ афзал кўришини ўрганиш учун сўровнома ўтказдик. Сўровнома натижалари кўпчилик ўсмирлар шахсий ишида асосан маданий-истеъмолчи типига хос бўлган ўйин-кулгу, интернет тизими орқали турли кўнгилочар лавҳаларни томоша қилиш, ўйин ўйнаш, мусиқа тинглаш каби фаолият шакллари маъқул кўришлари аниқланди. Шахсий ишида иккинчи ўринда турли хил дам олиш ва кўнгилочар фаолият турларини бирлаштирган реакцион типга хос бўлган фаолият шаклига ўрин берилган бўлиб, ўсмирларнинг оз

сонли бир қисмигина маданий ва ижодий фаолиятни афзал кўриши аниқланди.

Умумтаълим мактабларидаги 12-14 ёшли ўсмирлар одатда фаол, қизиқувчан бўлишини ҳисобга олган ҳолда, улардаги бўш вақтдан фойдаланиш масаласига етакчи масала сифатида қаралиши лозим. Чунки бўш вақтнинг оқилона ташкил қилиниши ҳам ижтимоий, ҳам шахсий аҳамиятга эга.

Статистик маълумотларга кўра шаҳардаги ўсмир болаларнинг касалланиш ҳолати қишлоқда яшовчи болаларга нисбатан анча юқори. Бунинг сабаби сифатида шаҳар болаларида ортиқча вақтнинг кўплиги, уларнинг аксариятида жисмоний ҳаракатсизликнинг кузатилиши ва болаларнинг интернет тизимида бесамар вақт ўтказаетганлиги каби кўплаб сабабларни кўрсатишимиз мумкун. Шаҳар шароитида маиший шароитнинг яхшилиги болаларнинг жисмоний жиҳатдан кам ҳаракатланишига сабаб бўлса, қишлоқ мактабларида яшаш учун шароитнинг етарли даражада эмаслиги табиий равишда (спорт тўғаракларисиз ҳам) болаларнинг уй юмушлари билан бандлиги жисмоний жиҳатдан фаол бўлишини, аммо мустақил ўқув фаолиятига вақт нисбатан кам ҳисобланади. Бошқа бир гуруҳ шаҳар болалари дарсдан ташқари бўш вақтларини мақсадли ўқув жараёнига, яъни асосан хорижий тилни ўрганиш, компьютер технология машғулоти ёки бошқа ҳар хил тўғаракларга сарф қилаётганлигини кўришимиз мумкун. Бу эса ёш авлодни учун ҳам, жамият учун ҳам ижтимоий-педагогик оқибатларни келтириб чиқармоқда.

ХУЛОСА

Ҳозирги замонавий шароитда бўш вақт шундай ташкил қилиниши керакки, ўсиб келаётган авлоднинг ҳам маънан, ҳам жисмонан ривожланишига замин бўлиши лозим. Зеро бўш вақтнинг мақсади бевосита мактаб дарс жарёни билан уйғун бўлиб, боланинг ҳар томонлама ривожланиши бўш вақт мазмуни, шакллари билан бевосита чамбарчас боғланган. Шундай экан жамиятда бола тарбиясида бўш вақт педагогикасига жиддий эътибор қаратиш долзарблигини бола тарбиясига маъсул бўлган ҳар бир субъект теран ҳис қилиши ҳамда вазифасига маъсулият билан ёндашиши зарур. Мамлакатимизда таълим сифати бевосита боланинг бўш вақтининг оқилона ташкил қилиниши билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, айтишимиз мумкунки, бўш вақтга бола ривожланишидаги энг муҳим вақт сифатида қаралиши лозим.

REFERENCES

1. Андреева А.А. Особенности организации досуговой деятельности подростков /А.А.Андреева,Текст:непосредственный//Проблемы и перспективы развития образования:материалы VI Международ.науч.конф.г.Пермь,апрель:https:moluch.ru/conf/ped/archive/149/7546/
2. В.В.Борисова. Педагогическая технология оздоровительной работы как фактор оптимизации режима учебного дня младших школьников.дисс.пед.наук.2002.-С.202.
3. А.И.Сафуллина. Основные тенденции организации свободного времени учащейся молодёжи Германии.дисс.канд.пед.наук.13.00.01.Москва.2006.-С.177.
4. Ю.Ю.Суетнова. Роль гигиенический и социальных факторов в формировании здоровья городских и сельских подростков-школьников.// дисс.канд.наук. (14.00.07)2008.-С.152.
5. З.Ш.Сайтгалиева. Педагогические условия организации свободного времени подростка.дисс.канд.пед.наук: 13.00.01. Уфа, 2001.-С.181.
6. В.Х.Лукманова Свободное время школьника –подростка .дисс.пед.канд .наук.13.00.01.1984. –с.233.
7. Требугов Б.А. Свободного время как фактор формирования личности студента. :дисс.канд.филос.наук.09.00.02. 1983. -С.250.
8. Л.А.Затуливетер.Организованный досуг как фактор воспитания и развития учащихся. Дисс.пед.наук.13.00.01.1998.-С.245.
9. Studes of Time –Use :Problems and Prospects.Dagfinn As Norwegian Building Research Institute, Oslo// Acta Sociologiya 1978-Vol.21- -№ 2p.133.
10. Leisure patterns of American and Finnish Youth, International Review for the Sociology of Sport 1975 10:63.
11. Richard A. Peterson Chapter 8: Measuring Culture ,Leisure,and Time Use ANNALS, AAPSS, 453,January 1981.